

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.0202 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НЕГМАТОВА ШАХЗОДА ШУХРАТОВНА

**ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ
ШАРОИТИДА СОҒЛОМ РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
МАЪНАВИЙ, АХЛОҚИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд– 2018

Фан доктори(DSc)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Негматова Шахзода Шухратовна

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари 3

Негматова Шахзода Шухратовна

Духовные, нравственные и правовые аспекты развития здоровой конкуренции в условиях социально-ориентированной рыночной экономики..... 25

Negmatova Shaxzoda Shuxratovna

Spiritual, moral and legal aspects of development of healthy competition in socially oriented market economy..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of works published..... 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.0202 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НЕГМАТОВА ШАХЗОДА ШУХРАТОВНА

**ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ
ШАРОИТИДА СОҒЛОМ РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
МАЪНАВИЙ, АХЛОҚИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд– 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2017.2.DSc/Fal17 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz. ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Яхшиликков Жўрабой Яхшиликкович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қодирова Зухра Рашидовна**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Тўйчиев Бердикул Тўрақулович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Абилов Ўрол Муродович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент Давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.0202 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-11-40; факс: (99866) 239-11-42, (99866) 239-17-14; e-mail: patent@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети биноси, 105-хона.)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

О.М.Ғайбуллаев

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари доктори, доцент

С.К.Каримов

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда соғлом рақобат нафақат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожини таъминловчи омил, айти пайтда сиёсий муносабатларни тартибга солувчи восита, маънавий жараёнларни юксалтириш усули сифатида тан олинган. Айниқса, рақобатнинг дифференциал ва интеграл шаклларда амалга ошиши унинг айрим соҳаларда тармоқлашувини, аксарият ҳолларда жамиятнинг нисбатан ажратилган баъзи қисмларининг уйғунлашуви, бир-бирини тўлдириши борасида юз берадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларда намоён бўлмоқда. Натижада рақобат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ажралмас атрибутига айланди. Мазкур ҳодисанинг таркибий тузилиши (структураси), функционал ҳолати, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, парадигмал ўзгаришлари динамикаси турли фан вакиллари, шулар қаторида файласуф олимлар томонидан ҳам тадқиқот объекти сифатида танланган.

Халқаро миқёсда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий соҳаларда рақобатларнинг кучайиши унинг янгича мазмун-моҳият касб этишига олиб келди. Рақобатнинг объектив ривожланиш қонуниятлари, ҳаракатлантирувчи мотивлари, конъюктурасидаги ўзгарувчанлик, инсониятнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва манфаатларига, яъни динамик ўзгарувчан субъектив омиллар тизимида боғлиқлиги бу борадаги тадқиқот ишларини ҳам мураккаблаштирмоқда. Зеро, «дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда»¹. Шу маънода, глобаллашув даврида жаҳонда носоғлом рақобат ва конфликтларнинг олдини олиш учун ишбилармонлик маданиятини шакллантириш доминант вазифа сифатида баҳоланмоқда.

Демократик ислохотлар натижасида мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда соғлом рақобатни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Мунтазам даврийликда вазирликлар, вилоят, туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари ташаббусига биноан соғлом маънавий рақобат принципларига асосланган ҳолда кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Зеро, инсон қалби ва онгини эгаллаш учун жаҳолатга асосланган носоғлом рақобат кучайган ҳозирги давр «ёшларнинг онгу-тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш»² заруриятини янада кучайтирмоқда. Бу эса рақобат жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида юз берадиган жараён бўлиб, уни соғломлаштириш масаласи ижтимоий-иқтисодий тараққиётни белгиловчи асосий омиллардан эканлигини яққол намоён қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги (2012), «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги (2018) қонунлари, Ўзбекистон

¹ Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. –Б.505.

² Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи// Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 20 сентябрь, № 163(6857).

Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2016), «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги (2018); «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги (2018) фармонлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.»Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатларини ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Hochschule Furtwangen University, Ludwig Maximilian University of Munich (Германия), L'Universite Lille (Франция), London School of Economics (Англия), University of Michigan (АҚШ), Doshisha University (Япония), University of Toronto, Cape Breton University (Канада), Национальный исследовательский Нижегородский государственный университет (Россия) ва Самарқанд давлат университетларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, рақобат манзараси, соғлом рақобатнинг ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатларига оид фалсафий тадқиқотлар таҳлили қуйидаги илмий натижаларда намоён бўлмоқда: бозор иқтисодиётининг рақобат, ташаббускорлик ва манфаатдорлик асосида қурилиши илмий жиҳатдан исботланган (Hochschule Furtwangen University, Ludwig Maximilian University of Munich, Германия); сиёсий гуруҳларнинг жамиятда рақобат манзарасини яратишдаги роли ва ушбу ҳолатнинг кенг ташаббускорликка боғлиқлиги илмий асосланган (L'Universite Lille, Франция); иқтисодий глобаллашувнинг ҳозирги ҳолатида тараққиётнинг рақобатга боғлиқлик диалектикаси мавжудлиги исботланган (London School of Economics, Англия); сиёсий рақобатнинг давлат бошқаруви ва қонун ижодкорлиги соҳасидаги аҳамияти очиб берилган (University of Michigan, АҚШ); бозор иқтисодий муносабатларини тарихий воқелик фактлари асосида таҳлил қилиш ёрдамида, унинг институционал структураси, турли туман

³ <https://www.en.hs-furtwangen.de/>; <https://www.en.uni-muenchen.de/>; <https://www.univ-lille.fr/>; <https://www.lse.edu/>; <https://www.umich.edu/>; <https://www.doshisha.ac.jp/>; <https://www.utoronto.edu/>; <https://www.cbu.ca/>; <https://www.unn.ru/>; <http://library.fes.de/>; <https://www.ritsumeit.ac.jp/>.

ижтимоий қатламларнинг, бозор субъекти сифатида ижтимоий функциялари аниқланган (Doshisha University, Япония); иқтисодиёт билан шуғулланувчи субъектларнинг ахлоқий мажбуриятлари ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилмоқда; бозор ижтимоий феноменини иқтисодий ривожланиш босқичлари контекстида хронологик таҳлил қилиш йўли билан иқтисодий ҳодисаларни тавсифлаш методологияси ишлаб чиқилган (The University of Toronto, Cape Breton University, Канада); ижтимоий сиёсат жамиятнинг барча соҳаларида изчил ишлаб чиқилган ва унинг ўзига хос жиҳатларидан бири, соғлом рақобатни нафақат иқтисодий соҳада, балки ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам ривожлантириш зарурияти асосланган (Н.И.Лобачевский номли Нижегород Давлат университети, Россия); ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг парадигмал ривожланишидаги ижтимоий муаммолар диалектик категориялар тизими контекстида очиб берилган (Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон).

Дунёда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида рақобатни соғломлаштиришнинг назарий жиҳатларини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: бозор иқтисодиёти муносабатлари ижтимоий моҳиятининг прогрессив тараққиётга таъсири; рақобат жараёнини соғломлаштиришнинг аксиологик хусусиятлари; рақобатни соғломлаштиришнинг умуминсоний нормаларини ишлаб чиқиш; иқтисодий, сиёсий глобаллашув шароитида рақобатнинг функционал ролини ошириш муаммолари ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ташкил этиш ва ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда рақобатнинг тутган ўрни ҳақидаги,⁴ шунингдек мамлакатимиз янги ривожланиш босқичида олиб борилаётган демократик ислохотларни янги сифат босқичига кўтаришда соғлом рақобатни йўлга қўйиш борасидаги концепциялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди⁵.

Хорижлик олимлардан Е.Портер⁶, Э.Майкл, К.Ю.Тотьев, А.Ю.Юданов, Г.Л.Азоев, А.П.Градов, М.В.Конотопов, Р.А.Фатхутдинов, А.Я.Кибанов ҳам рақобат жараёнини соғломлаштиришнинг айрим масалаларини ўрганганлар.

Ўзбекистонлик олимлар Н.Тўхлиев, Ш.Тўраев, М.Курононов, М.Қирғизбоев, А.Қодиров, И.Соифназаров, Ж.Яхшиликов, Ш.Мамадалиев, Н.Ҳакимов, М.Пардаев, А.М.Абдуллаев, М.С.Жамалов, Б.Улашев ва бошқалар томонидан ёзилган асарларда бозор иқтисодиёти, фуқаролик жамиятини шакллантириш, рақобат сиёсатини тўғри йўналтириш борасида бир қатор илмий ва амалий ишлар бажарилган. Шунингдек, Б.Н.Валиев,

⁴Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 Ж. – Тошкент: Ўзбекистон. 1994-2016.

⁵Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –56 б.; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –48 б.; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик –хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –104 б.; Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.592.

⁶Бу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Л.Н.Жўраев, А.Б.Худойқулов, Н.Абдусаметов, Б.Х.Толипов, С.Бердиқулов, С.Норқулов ҳимоя қилган диссертацияларда фуқароларнинг иқтисодий онгини ўстириш, иқтисодий маданиятини шакллантириш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобатни шакллантиришнинг баъзи жиҳатлари тадқиқ этилган. Бизнинг диққатимиз эса, бозор иқтисодиёти шароитида соғлом рақобатни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб беришга қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг объектив ва субъектив омиллари диалектикаси» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тараққиётининг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини очиб бериш ва соғлом рақобатни ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«рақобат» тушунчасига мустақил таъриф бериш, унинг онтологик, гносеологик, аксиологик моҳиятини очиб бериш;

рақобатнинг кўринишлари ва шакллари замонавий мазмунда таснифлаш ва тавсифлаш;

иқтисодий рақобатни соғломлаштиришнинг ахлоқий мезонлари ва принципларини илмий асослаш;

жамиятнинг барча бўғинларини бошқаришда сиёсий партиялар ва бошқа ижтимоий ташкилотлар ўртасида соғлом рақобатни ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ қилиш;

маънавий рақобат тушунчасини истеъмолга киритиш, унинг ғоявий-мафкуравий кураш шароитида аҳолининг маънавий рақобатбардошлигини таъминлашдаги ўрнини таҳлил қилиш;

соғлом ва носоғлом рақобат жараёнларини қиёсий таҳлил қилиш, уларнинг келтириб чиқарадиган прогрессив ва регрессив оқибатларига оид таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

«криминал рақобат» тушунчасига муаллифлик таърифини бериш, унинг келиб чиқиш сабабларини, мазмун ва шакллари ўртасидаги диалектик алоқадорликни аниқлаш, ғайриинсоний хусусиятларини очиб бериш ва унга қарши маърифий курашнинг усул ва воситаларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида амал қилувчи соғлом рақобат феномени ва унинг ижтимоий-фалсафий моҳияти.

Тадқиқотнинг предмети – Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида амал қилаётган иқтисодий, сиёсий, маънавий рақобатни соғломлаштириш масалалари билан белгиланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, комплекс, тизимли ва функционал ёндашув, диалектик ва синергетик таҳлил, социологик сўров каби илмий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

рақобатнинг гносеологик мазмуни бунёдкорлик, компромисслик, консенсуслик, жамоавийлик, толерантлик, адекватлик каби ментал хусусиятлар орқали намоён бўлиши асослаб берилган;

иқтисодий рақобатни соғломлаштирувчи рақобат маданияти, ўзаро ёрдам, ўзаро ҳамкорлик, ҳалоллик, инсофлилик, тежамкорлик каби ахлоқий сифатлар аниқланган ҳамда уларни амалда қўллаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

ноогенезис(тафаккур босқичи)да юз берадиган рақобат турларининг (интеллектуал, виртуал, инфорацион) ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва жамиятга таъсир этиш даражалари аниқлаб берилган;

криминал рақобатнинг мазмун ва шакллари ўртасида диалектик алоқадорлик мавжудлиги фалсафий методологик жиҳатдан асосланган ва унга қарши курашишнинг миллий ва умуминсоний ахлоқий қонун-қоидалар ҳамда ҳуқуқий принцип ва нормаларни уйғунлаштириш усуллари такомиллаштирилган;

соғлом маънавий рақобат (инсон онги, қалби, эътиқоди, дунёқараши, ахлоқи, маънавияти, маданияти, мафкурасини соғломлаштиришга йўналтирилган хатти-ҳаракатлар) жараёнида объект ва субъект ўртасидаги алоқадорлик фуқароларда маънавий рақобатбардошлик хусусияти шаклланишининг детерминистик, яъни сабабий омили эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: рақобатнинг гносеологик хусусиятларидан рақобатлашувчи субъектлар фаолиятида фойдаланишга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

жамият ижтимоий ҳаётида иқтисодий рақобатни ахлоқийлаштириш мезонлари ва принциплари асосида амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у тўғрисидаги тақриз, хулосаларда, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида соғлом рақобатни ривожлантиришнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштиришда, фалсафий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий фан-ларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, унинг натижаларини нафақат иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, балки глобаллашув даврида ўта мураккаблашган сиёсий муносабатлар ва мафкуравий жараёнларни тартибга солиш, ҳар бир соҳада соғлом рақобатни ташкиллаштиришга йўналтирилган илмий асосланган дастурлар ишлаб чиқишда қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

соғлом иқтисодий рақобат муҳитини шакллантиришда ахлоқий мезонларни қўллаш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Самарқанд вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси амалиётида 2014-2016 йилларда вилоят миқёсида қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган субъектлар ва фермер хўжаликлари ўртасида соғлом рақобатни тизимли асосда ташкиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 7 ноябрдаги 03/15-3536-сон маълумотномаси) Ушбу илмий тадқиқот натижалари қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат қилаётган ходимлар фаолиятида соғлом рақобатни ривожлантириш жараёнига самарали ҳисса қўшишда хизмат қилган;

рақобатнинг гносеологик моҳияти миллий ментал хусусиятлардан келиб чиқиши ҳақидаги хулосалардан Давлат рақобат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 июлдаги 237-сонли «Ҳар йиллик «Савдо ва хавфсизлик» танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарорнинг 2-бандида белгилаб қўйилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 2 февралдаги 91/01-15-сон маълумотномаси). Мазкур илмий хулосаларнинг амалиётга жорий қилиниши рақобатлашувчи субъектларнинг ахлоқий норма ва принципларга риоя этишини таъминлади ва рақобат жараёнини оқилона ташкил этиш имконини берди;

рақобатни интеллектуал, виртуал, информацион турларининг жамият тараққиётига таъсирини ўрганишга оид таклифлар Давлат рақобат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси фаолиятида соғлом рақобат белгилари этикетини ишлаб чиқиш шаклида амалиётга жорий этилган (Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 2 февралдаги 91/01-15-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижанинг амалиётга татбиқ этилиши рақобатлашувчи субъектларнинг рақобат маданиятини янада юксалтиришга ва рақобат муҳитини соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг жадаллашувига хизмат қилган;

иқтисодий, сиёсий, маънавий рақобат жараёнида содир бўладиган қонунга зид ҳолатлар ва уларга қарши курашиш усулларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон ёшлар

иттифоқи Самарқанд вилоят Кенгаши томонидан 2017 йил 8 августда ўтказилган «Ёш тадбиркорлар ва фермерлар билан очик мулоқот», 2017 йил 6 сентябрда ўтказилган «Ёш тадбиркорлар учун бизнес режалар тузиш», 2017 йил 12 сентябрда «Ёшлар маънавияти: муаммо ва ечимлар» мавзуларидаги тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2018 йил 12 январдаги 04-13/175-сон маълумотномаси). Мазкур йўналишдаги илмий хулоса ва амалий тавсияларнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида қўлланилиши улар томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг маънавий-маданий салоҳияти кўтарилишига хизмат қилиб, тадбиркор ва тарғиботчи ёшлар фаолиятида салбий рақобатнинг йўли тўсилиб, унга қарши курашишда инновацион усуллари қўллаш имконини берган;

соғлом маънавий фаолият жараёнида юз берадиган рақобатнинг рационал асосини прогрессив ғоялар ташкил этиши, маънавий рақобат жараёнида объект ва субъект ўртасидаги алоқадорликнинг ижтимоий тараққиётга таъсир кўрсатиши борасидаги хулосалардан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди 2017 йилга мўлжалланган иш режасини IV бўлимининг олтинчи «Оммавий маданият» хуружига қарши аҳоли ўртасида соғлом маънавий рақобатни ташкил этиш» бандини тайёрлаш ва ижросини таъминлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2017 йил 21 январдаги 02.03/55-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг иш режасига киритилиши ҳамда амалиётга жорий этилиши аҳоли онгида соғлом маънавий рақобат муҳити ҳақида тасаввур ва билимлар шаклланишига ҳамда уларнинг маънавий рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 36 та илмий анжуманда, жумладан 6 та халқаро, 30 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилиниб, синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 13 та мақола (улардан 10 таси республика ва 3 таси чет эл журналларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазибалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларида рақобат ролини ўрганишнинг назарий-фалсафий масалалари**» номли биринчи бобида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, унинг тарихий генезиси ва ривожланиш омиллари, рақобат тушунчаси, турлари, уларнинг диалектик ва синергетик таҳлили, онтологик табиати ва гносеологик мазмуни тадқиқ этилган. Бозор ижтимоий-иқтисодий феномен сифатида парадигмал жиҳатдан таҳлил қилиниб, бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодиётни ижтимоий йўналтириш, жамият барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланганлиги учун ҳам, барча ижтимоий қатлам манфаатларига мос келадиган масала эканлиги таъкидланган. Шу маънода, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти – мулкчилик шакллариининг хилма-хиллигига, иқтисодий эркинликка асосланган, соғлом рақобат орқали тартибга солиниб, демократик фаолият юритадиган, кучли ижтимоий ҳимоя натижасида аҳолининг кескин табақаланиб кетишига йўл қўймайдиган, ҳар бир инсоннинг эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга қаратилган, давлат томонидан бошқарилиб туриладиган ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида таърифланган. Мавжуд энциклопедик, ўқув ва илмий адабиётларда бозор тушунчаси мазмунига иқтисодий детерминизм нуқтаи назардан ёндашув устуворлиги, унинг фалсафий моҳиятини тўлиқ очиб беролмаган. Чунки бозор тушунчасини соф иқтисодий категориялар контекстида таҳлил қилиш, унинг ижтимоий муносабатларни: умумлаштирувчи, интеграциялаштирувчи, идентификациялаштирувчи функциясини эътибордан четда қолишига олиб келади. Яъни уни иқтисодий муносабатлар, хусусан ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчининг сотди-харид қилди, натурал айрибошлаш, талаб ва таклиф «макони» сифатида талқин қилиш, ўрганилаётган объектнинг тизимлаштирилган таҳлилига ва умумлашган фалсафий хулосалар чиқаришига халақит беради.

Инсониятнинг иқтисодий-фалсафий тафаккури ривожига тарихийлик ва мантиқийлик жиҳатидан назар солсак, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тарихида иқтисодий фаолият юритишнинг учта синалган йўли мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин.

Биринчиси бу анъанавий иқтисодий фаолият юритиш йўли бўлиб, у инсоннинг қўл кучига таяниб аграр характердаги натурал хўжалик юритишга асосланган, иқтисодий одатлар ва кўникмалар авлоддан-авлодга ўтиб, узоқ вақт сақланиб қолган, деярли автаркизм, консерватизм ғоялари ҳукмронлиги асосида ташкил этилганлиги билан ифодаланади.

Иккинчиси бу бозорга асосланган иқтисодиёт йўли бўлиб, у мамлакат

иқтисодий фаолиятини табиат ва жамиятнинг объектив ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олиб, одамларнинг эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб, илмий асосда, оқилона тарзда ташкил этилиб, ҳар кимнинг эркин самарали меҳнат қилиш имконини беради. Буни жаҳон ҳамжамияти «бозор иқтисодиёти» шакли, усули сифатида тан олишган.

Учинчиси бу тоталитар-режали иқтисодиёт йўли бўлиб, у шахснинг ижтимоий-иқтисодий фаолият юритишини жамиятнинг объектив ривожланиш қонуниятларини инкор қилган ҳолда, субъектив-волюнтаристик, узоқни кўзламасдан тартибсиз ҳолатда ташкиллаштирилганлиги сабабли жамиятнинг инкирозга юз тутишига олиб келган.

Бозор иқтисодиётининг муҳим атрибутларидан бирини рақобат ташкил этади. Бозор иқтисодиётининг мазмун-моҳиятига қараб рақобат ҳам турли шаклларда намоён бўлади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли-ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида рақобатнинг мазмуни ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётда амал қилиш механизмлари ҳам мунтазам ўзгариб боради.

Тадқиқотда рақобатнинг онтологик жиҳатдан – табиат (тур ичида, турлараро, турларнинг ноқулай шароитга мослашиши шаклида); жамият (жамиятдаги алоҳида одамлар борлиги ва жамиятнинг ўзига хос борлиги шаклида) каби шакллари, гносеологик жиҳатдан эса рақобат орқали: табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг фойдали ёки зарарли томонларини билишга бўлган иштиёқ кучайиши; фойда ёки зарар билан фаолият олиб бораётган шахс, зарар билан ишлаётган меҳнат жамоаларининг фойда келтираётган жамоаларга бирлашиши; илм-фан, техника ва технологиялар соҳаларидаги дунёвий билимларни эгаллашни, уларни амалиётга жорий этишни тақозо этиши натижасида бажарилаётган ҳар қандай ишнинг самарадорлиги ошиб, рақобатбардошлиги кучайиши; ишни кам куч сарфлаб бажаришга олиб келиши ва рақобатлашув жараёнининг оптималлаштирилиб бориши; жамиятни демократик тарзда бошқаришнинг муҳим элементига айланиши каби хусусиятлари очиб берилган.

Диссертацияда «рақобат» тушунчасига табиат ва жамиятда тирик мавжудотларнинг яшаш учун кураш жараёнидаги беллашув, тортишув, мусобақа, мунозара, мослашув каби хатти-ҳаракатларининг муайян мажмуи сифатида таъриф берилган. Мазкур тадқиқотда рақобат, биринчидан, нафақат иқтисодий тушунча, балки жамиятнинг барча соҳаларига дахлдор объектив феноменлигини англаувчи ижтимоий фалсафа категорияси; иккинчидан, мазмунан объектив, шаклан эса субъектив бўлган, моддий ва маънавий жиҳатларни ўзаро боғлаб ҳаракатга келтирувчи омил; учинчидан, инсоннинг мунозара, баҳс, беллашувларда янги билимларни ўзлаштириши ва у асосида фаолиятини ўзгартириши илмий билишда методология сифатида, гносеологияда эса ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига дахлдор бўлганлиги сабабли, тушунчаларни интеграцияловчи восита сифатида намоён бўлиши ҳақида хулосаларга келинган.

Рақобатнинг гносеологик моҳияти рақобатлашувчи субъектнинг у ҳақида муайян билимга эга бўлиш заруриятини белгилаб беради. Мазкур

ҳолатда рақобатга киришувчи субъектнинг жараён ҳақида умумий тасаввурга эга бўлишигина эмас, балки рақобат мақсадли, илмий, ҳуқуқий ва ахлоқий асосга таянилган ҳолда амалга оширилса, унинг натижаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётга хизмат қилади. Аксинча, стихияли тарзда содир бўладиган рақобатнинг салбий оқибати фуқаролик жамияти шаклланиши шароитида зиддиятлар ва тартибсизликларга сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам рақобат гносеологияси янги ривожланиш босқичида устувор ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Тадқиқотда рақобатнинг гносеологик асосларини мустаҳкамлашда унинг қандай макон ва замондаги ривожига қараб миллий ва умуминсоний хусусиятларни тақозо этиши асослаб берилган. Ўзбек халқи менталитетидаги бунёдкорлик, компромисслик ва консенсуслик, жамоавийлик, толерантлик, адекватлик каби хусусиятлар ўзаро рақобатлашув жараёнида ҳам намоён бўлиши диалектик боғлиқликда очиб берилган.

Рақобат турлари яшаш учун курашга киришаётган барча мавжудотлар ва уларнинг ҳаракати оқибатларининг онтологик табиати ва гносеологик хусусиятларига кўра бутун ва бўлақларга ажратиш сифатида таърифланиб, рақобатнинг объектив оламдаги мавжудлик шакли, биосферани ҳаракатланишига кўра биогенез ва ноогенез босқичидаги турларга ажратилган.

Тадқиқотда биосферада юз берадиган рақобат синергетик ёндашув асосида биомассанинг эгаллаган жойи ва ундаги шарт-шароитларга кўра куруқлик юзасида, тупроқда, океандаги муайян турларга бўлинади. Тирик организмлар ўртасида юз берадиган рақобат: биринчидан, яшаш учун жой топиш, яъни қулайлик омилига кўра; иккинчидан, ёруғлик, айниқса, қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш; учинчидан, кислород манбаининг етарлилик даражаси; тўртинчидан, яшаш ва насл қолдириш учун ҳолатини ўзгартириб, турли шаклларда (яъни олишув, беллашув, пойга, зўрлик қилиш, қувиш ва қочиш тарзида) курашиши, натижада, устун бўлган организмлар яшашни давом эттириши, кучсизлари эса мағлуб бўлиб, аста-секин яшашдан тўхташи жараёни асосланган.

Диссертацияда биосферадаги рақобат илмий билишнинг синергетик тафаккур услуби асосида таҳлил қилиниб, қуйидаги мустақил хулосаларга келинади: биринчидан, биомассада юз берадиган рақобатга ундаги тирик организмларнинг баъзида мувозанатли барқарор, баъзида мувозанатсиз беқарор, эволюцион ва коэволюцион тарзда кечиши сабаб бўлади. Иккинчидан, биомассада юз берадиган рақобат флуктуация, бифуркация, деструкция, дисфункция, емирилиш, тартибсизлик (хаос), кутбий ўзгаришлар, муайян бир тизимнинг ўз-ўзидан янги ҳолатга ўтиши, бирчизиқлилиқ, ўз ўзини ташкиллаштириш каби шаклларда намоён бўлади. Учунчидан, биомассада юз бераётган рақобатга хос хусусиятларга тасодифнинг эҳтимоллиги, тасодифни олдиндан прогнозлаш, баъзида эса сабабий боғланишлар мавжудлигини инкор этмаслик ҳолатлари киради. Тўртинчидан, биомассада юз бераётган рақобатга таъсир қилувчи ижтимоий омилларни ҳар хил майда таъсир қилувчилар, тасодифлар, аттракторлар, тартиб ўлчамлари, микродаражага мегадаража ва макродаража орқали таъсир қилиш жараёнлари

ташкил қилади. Бешинчидан, биомассада юз бераётган рақобат натижасида бўлақлар йиғиндисига мос келмайдиган янги кўп даражали шароитнинг вужудга келиши, янги тенгсизликнинг келиб чиқиши, ортга қайтмаслик, вазиятни қийинлашиши каби ҳолатлар юз беради. Олтинчидан, ушбу рақобатни билиш ва натижаларини аниқлашда рационализм, редуционализм, коэволюционизм, башорат қилмаслик усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бинобарин, биосферадаги рақобат – биомассани ташкил этувчи ўсимлик олами ва ҳайвонот дунёсида мавжуд ҳар бир катта ва кичик турдаги ўсимлик ва ҳайвоннинг ҳаёти учун ўз-ўзини ташкил этиш жараёнида маълум бир устунликка эришиш борасида олиб борадиган жарёндр.

Диссертациянинг **«Иқтисодий ва соғлом рақобат тамойилларига кўра шакллантириш омиллари ва ҳаракатлантириш механизмлари»** деб номланган иккинчи бобида бозор муносабатларини ижтимоий йўналтириш ва соғлом рақобатни шакллантиришнинг маънавий-ахлоқий асослари, соғлом иқтисодий рақобатни маънавий-ахлоқий принциплар асосида амалга ошириш масалалари тадқиқ этилган.

Замонавий ижтимоий фанлар олдида бозор муносабатларини иқтисодий тадқиқотлар объекти, предмети доираси, мақсади, истиқбол мўлжаллари стратегияси ва тактикасини белгилашга доир муаммолар, хусусан, уни ижтимоий йўналтириш имкониятлари, такомиллаштириш учун усул-воситаларини топиш ўз ечимини кутмоқда. «Бозор» категорияси, қадимдан савдо-сотик билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни мужассамлаштирувчи маконнинг иқтисодий детерминизмга асосланган универсал модели сифатида изоҳланган. Ваҳоланки бозор ижтимоий ҳодисаси, уни ташкил қилган структуравий элементларнинг оддий, механик тарзда умумлашган ва турғун ҳолати эмас.

Таъкидлаш жоизки, бозор муносабатлари мукамал ижтимоий тизимнинг, турли элементлари муносабатларини конкретлаштирадиган, манфаатлаштирадиган ва уларни намоён қиладиган, нисбатан универсал ҳодисадир. Бу ижтимоий тизимнинг ҳар бир элементи ўзига хос функцияга эга бўлиб, уларни ўзаро алоқадорликда комплекс-тизимли ўрганиш, мукамал назариясини ишлаб чиқиш ва тўсиқларсиз амалиётга татбиқ этиш мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксалишига асос бўлади. Зеро, «энг самарали иқтисодий тузумга бозор рақобати шароитида ва давлатнинг иқтисодга аралашуви мавжуд бўлмаган ҳолатда эришилади».⁷ Шу маънода, иқтисодий рақобат – ижтимоий борлиқ сифатида ўзининг иқтисодий структурасига эга бўлган товар ишлаб чиқарувчилар, айирбошловчилар, хизмат кўрсатувчиларнинг ўз эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб фойда кўриш, даромад олиш, нуфузли мавқега эга бўлиш учун ўзаро беллашувда устунликни қўлга киритиш мақсадидаги саъй-ҳаракатларининг муайян тизимидир.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида соғлом рақобатни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан яна бири бу –

⁷ A.Smith The Wealth of Nations, edited by Edwin Carman. V.3. New York(USA): Modern Library, 1937. P.-29.

рақобат маданиятини шакллантириш ҳисобланади. Рақобат маданиятига эришиш иқтисодий онгнинг юксалишини тақозо этади. Чунончи, иқтисодий онг ва рақобат маданиятининг бир-бири билан функционал алоқадорлиги, уларнинг жамият ва инсон манфаатларини уйғунлаштириш эҳтиёжидан, бозор муносабатларини ижтимоий йўналтириш заруриятидан келиб чиқади. Бунда бир томондан, уларнинг функционал интеграцияси – ижтимоий ҳаётга таъсири комплекслигини ва системалилигини таъминлайди. Иккинчи томондан, иқтисодий онг ва маданиятнинг бозор иқтисодиётини ижтимоий йўналтиришга таъсирини ўрганишда фалсафа фани категорияларини, тадқиқот методларини қўллаш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамияти шаклланиши даврида иқтисодий онгнинг ижтимоий онг ва маданиятга таъсири: биринчидан, ижтимоий борлиқнинг инсон, жамият тараққиёти билан боғлиқ фундаментал объектив қонунларига бўйсунishi – онтологик асосга; иккинчидан, жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланиш қонунларини билиши – гносеологик асосга; учинчидан, инсоннинг ижтимоий борлиқни ўзгартириш ва ўзлаштириш технологиясини яратиши – методологик асосга; тўртинчидан, жамият тараққиётида инсон омили ролининг ошиб бориши – интеллектуал асосга; бешинчидан, ижтимоий фаолиятни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш – институтционал тизим асосларига таянади.

Фуқаролик жамияти шаклланишида иқтисодий онгнинг ҳар қандай даражаси ва шакли демократик-гуманистик тамойилларга кўра: инсон эҳтиёжларини қондириш, мақсадларини амалга ошириш, ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини яратиш, «технологиясини» такомиллаштиришга хизмат қилади. Зеро, инсон эҳтиёжларини қондириш, муайян мақсадларини амалга ошириш, турли интилишларини ҳимоя қилиши билан ижтимоий моҳиятини намоён қилади.

Бунда иқтисодий онг ва рақобат маданияти бозорни ижтимоий йўналтиришда субъектив омил ролини бажаради. Яъни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва рақобат маданиятининг юксалиши – бозор муносабатларини цивилизациялашиш даражаси кўрсаткичи ва натижаси ҳисобланади.

Тадқиқотда соғлом иқтисодий рақобатни амалга оширишнинг асосий ахлоқий принциплари моддий ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва айирбошлаш жараёнида иштирок этаётган шахснинг ахлоқий онгида мужассамлашганлиги асосланган. Шахс маънавияти, бурчи, ҳаётининг мазмунига қўйиладиган талабларга рақобатлашувчилар фаолиятининг умумий йўналишларини намоён этадиган хусусиятлар, яъни, муайян хулқ-атвор нормаларига асос бўлиб хизмат қиладиган ахлоқий принциплар сифатида таърифланиб, уларга ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, ҳалоллик, тежамкорлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, жамоатчилик кабилар киради.

Тадқиқотда соғлом иқтисодий рақобатни ташкил этишда хушмуомалалик ва одоблилик, ширинсўзлик, сиполик, босиқлик, хокисорлик, меҳрмурувват, ростгўйлик, шижоат, жасорат, хушёрлик, собитқадамлик, сабр-

қаноат, соддадиллик, камтаринлик каби ахлоқий нормаларнинг мазмуни, моҳияти батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «Соғлом рақобатни ривожлантириш ва сиёсий фаолиятнинг детерминлашув хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида, жамият ва давлат бошқарувини демократлаштиришда соғлом сиёсий рақобатнинг доминантлашуви, сиёсий фаолият жараёнида намоён бўладиган рақобатни прагматик хусусиятининг моҳияти очиқ берилган. XXI аср воқелигидаги жамиятнинг сиёсий соҳасидаги рақобат мазкур жамиятни демократик тамойиллар асосида бошқаришнинг оптимал воситаларидан бири ҳисобланади. Аммо бу ҳолат ҳам икки хил кўринишда амалга ошиши мумкин. Биринчиси – сиёсий бошқарувни носоғлом рақобат асосига қурилган инқилобий кураш – зўрлик, фитна, тўнтариш қабилар орқали қўлга киритиш бўлса, иккинчиси соғлом сиёсий рақобатга асосланган тадрижий беллашув – қонун йўли билан демократик сайловларда иштирок этиш орқали эришиш ҳисобланади. Бунда биринчи йўл натижаси сиёсий бошқарувнинг диктатурага олиб келишини намоён қилса, иккинчи йўл эса сиёсий етакчининг жамиятни демократик принциплар асосида бошқаришига, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишига, жамиятда тинчлик ва барқарорлик таъминланишига шарт-шароит яратади. Демак, сиёсий бошқарувни оқилона ташкил этилишига эришиш механизми соғлом сиёсий рақобат таъминлайди. Сиёсий рақобат – давлат, меҳнат жамоаларини бошқариш мақсадида шахслар, партиялар, турли ижтимоий гуруҳлар томонидан сиёсий бошқарувни қўлга киритиш учун ҳар хил усуллар билан олиб бориладиган фаолиятдир. Сиёсий бошқарув учун кураш сиёсий рақобатнинг мақсад ва мазмунида намоён бўлади.

Тадқиқотда сиёсий рақобат амал қилиш доирасига кўра ички ва ташқи шаклларга ажратилган. Бунда ички сиёсий рақобат асосан давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ўртасида бошқарувни қўлга киритиш учун олиб борилса, ташқи сиёсий рақобат давлатлар ўртасида муайян бир мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Бу хусусда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти таъкидлагандики: «Замонавий сиёсат рақобат руҳи билан суғорилган. Мен сиёсатда шундай рақобат тарафдориман, бу рақобат хавф-хатарсиз тинчликка интилиши билан ўзини оқлайди. Мен хавфсизлик ва тинчлик учун курашда устунлик берадиган янги ғоялар, технологиялар ва фикрларни ишлаб чиқишга ундайдиган шундай рақобат тарафдориман»⁸.

Тадқиқотда шахснинг соғлом сиёсий ва ҳуқуқий онгини шакллантириш ва юксалтиришда сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат мақсадига алоҳида эътибор қаратилган. Сиёсий рақобат, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг аъзолари томонидан оммавий ахборот воситалари орқали илгари сурилган илғор мазмунли ғоялари; иккинчидан, сиёсий партияларнинг оммавий нашрларида эълон қилган жамиятнинг ривожланиш жараёнлари талқинига оид мақолаларида; сиёсий партия етакчиларининг

⁸ Каримов И. А. Минтақада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун // Унинг ўзи. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 37.

халқ билан қилган бевосита мулоқотларида; мамлакатда ўтказиладиган сайловдаги иштирокида; сиёсий партия аъзоларидан эркин, демократик сайловлар асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида эгаллаган ўринлари ва унда амалий фаолият олиб бориш жараёнидаги ҳаракатларида ифодаланади.

Диссертациянинг «**Иқтисодий муносабатлар тизимида криминал рақобатнинг шаклланиши ва унга қарши курашишнинг ғоявий-мафкуравий вазифалари**» деб номланган тўртинчи бобда криминал рақобат тушунчаси, мазмуни ва моҳияти, унинг классификацияси, шакллари ўртасидаги диалектик алоқадорлик, криминал рақобатнинг иқтисодий муносабатларни инсонпарварлаштиришга салбий таъсири ҳамда унга қарши курашишнинг ахлоқий ва ҳуқуқий усуллари уйғунлаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Криминал рақобат жисмоний ва юридик шахсларнинг ноқонуний фойда олиш мақсадида қонунда таъқиқланган усул ва воситалардан фойдаланиб, жамият ҳаётининг турли соҳаларида устунликка эришиш учун бошқа иқтисодий, сиёсий, маънавий фаолият олиб борувчи субъектлар билан рақобат курашида иштирок этишидир. Криминал рақобатдан кўзланган асосий мақсад – жиноят оламига мансуб шахсларнинг ўзга кишилар мол-мулкани қонунга зид равишда қўлга киритиш эвазига топилган маблағларни янада кўпайтириш учун ғайриинсоний, амалдаги қонунларга зид бўлган усуллари қўллаш орқали иқтисодий тизимларни эгаллаб, жамиятда монопол устунликка эга бўлишдан иборатдир. Шу мақсаддан келиб чиққан салбий натижалар, унинг мазмуни ва шакллари, оқибатлари баён қилинган.

Диссертацияда криминал рақобатнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий соҳалардаги турлари илмий асосланган ва уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар очиб берилган. Жумладан, маданий-маънавий соҳада содир этиладиган криминал рақобат – бу муайян жамиятда фаолият юритаётган кишилар томонидан аҳолининг қалби ва онгига эзгулик ёки ёвузликка йўналтирилган ғояларини сингдириш учун олиб бориладиган курашда, шахс, элат, миллат, халқ маънавиятига жиддий зарар етказувчи ғояларнинг устун келишини таъминлаш орқали таълим-тарбия, маданият ва маърифат, жисмоний тарбия ва спорт каби бир қатор маънавиятга дахлдор муассасаларнинг ишини издан чиқариш мақсадида содир этиладиган жиноий хатти-ҳаракатлардан иборат эканлиги таъкидланган.

Тадқиқотда криминал рақобат субъектлари учга: 1) жисмоний шахслар – инсофсиз тадбиркорлар, коррупциялашган амалдорлар, фирма хизматчилари, жиноятчилар, якка шахслар, яъни асосан фирибгарлик, зўрлик, сохтакорлик йўллари билан фойда кўриш учун носоғлом, жиноий рақобатга қўл урувчилар; 2) юридик шахслар – муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммасига олган корхона, фирма, бизнес субъектлари раҳбарлари, хусусий мулкни барпо қилишдан манфаатдор шахслардан ташкил топган бўлиб, улар катта фойда кўриш учун қонунга зид йўллар билан давлат маблағларини ўзлаштириш эвазига бошқаларни рақобат курашида устунликка эришишни кўзловчилар; 3) уюшган жиноятчи гуруҳлар томонидан ташкил қилинган

яширин корхона, сохта фирма, жамғармалар, молиявий мафия⁹ пирамидаларини тузувчилар, хорижий шахслар, яъни мамлакат ичида саноат жосуслиги билан шуғулланувчилар, хорижий давлатларнинг махсус хизматлари рақобатда устунликни қўлга киритиш учун баъзида яширин, баъзида очик ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этувчилар гуруҳига ажратилган.

Диссертацияда бундай гуруҳлар томонидан рақобат жараёнида қўлланиладиган ғайриинсоний усул ва воситалар жумласига: криминал рақобат туфайли топилган маблағларини бозор муносабатлари қонунқоидаларига мувофиқ тарзда легаллаштириш; рақобатчилар томонидан сир тутилган махфий ахборотлардан фойдаланиш, ахборот воситаларини издан чиқариш, шахсий, айниқса шахснинг оилавий ҳаётига оид маълумотларни тарқатиш; жамиятда коррупциянинг кучайиши, банк соҳаси ходимларига, тижорат тузилмалари ва давлат корхоналарининг раҳбарларига қарши қаратилган кенг миқёсли террорчилик ҳаракатларини олиб бориш; саноат жосуслиги; фирмаларнинг қобилиятли ходимларини ёллаш; тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятини издан чиқариш; халқаро битим ва шартномаларни атайин бузиш; шартномаларнинг бажарилиш муддатларини чўзиб юбориш; ҳар хил сохта фирмаларни тузиш ва бошқалар киритилган.

«Ишлаб чиқаришнинг гуманистик характери», «соғлом рақобат», «оқилона эҳтиёж», «адолатли тақсимот», «истеъмол меъёри» ва бошқа шу каби тушунчалар иқтисодий муносабатларни инсонпарварлаштиришнинг мазмун-моҳиятини ташкил қилади. Криминал рақобат эса, ўз моҳиятига кўра антигуманистик характерга эга. Ҳозирги давр иқтисодий прагматизм назариялари, таълимотлари аксарият ҳолларда, ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар асосига қурмасдан, табиий бойликлардан рационал фойдаланмасдан, бойлик кетидан қувиш, бозор муносабатларини ижтимоийлаштириш, уларни инсонпарварлаштириш ғояларига зидлигини асослаб бермоқда. Яъни, бир томондан, инсон, жамият, тараққиёт рецессиядан қутулиш учун иқтисодий борлиқнинг объектив фундаментал қонунларига бўйсунити зарур. Иккинчи томондан, иқтисодий онгнинг субъекти бўлган инсон, ўз фаоллигини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини: ташкиллаштириш, бошқариш ва мониторинг қилишда намоён қилади. Бу ўзгаришлар ижобий ёки салбий хусусияти билан ижтимоий онг тизимида ва бозор муносабатлари трансформациясида ўз аксини топади. Фуқаролик жамияти шаклланишида инсон эҳтиёжлари, қизиқишларини, бозор иқтисодиёти муносабатларига мос, ижтимоий ҳолатга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга, Чунки барча демократик, гуманистик, ҳуқуқий кадриятлар, қонун мақомидаги шу тамойилга асосланади. Акс ҳолда, яъни ижтимоий моҳиятни ифодаламаган иқтисодий фаолият (ишлаб чиқариш, товар айирбошлаш, рақобат ва ҳ.к.) инсон ҳақ-ҳуқуқларининг бузилишига, оқибатда жиноий ҳолатларни юз беришига олиб келади.

⁹ Кундалик ҳаёт ва илм-фанда «мафия» [итал. *mafia* – махфий уюшма] сўзи: 1) дўк-пўписа, зўрлик, қотиллик усуллари билан иш кўрувчи уюшган, тармоқланган, яширин жиноий ташкилот, гуруҳ; 2) уюшган жиноятчилик, деган маъноларни англатиш учун ишлатилади. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. П. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 558.

Криминал рақобатни олдини олиш ва унга қарши курашишда бир ёқлама ёндошув кўзланган натижани бермайди. Бунда шахс ҳуқуқ ва ахлоқининг функционал уйғунлигини таъминлаш криминал рақобатга қарши курашиш механизмларининг самарадорлиги: биринчидан, миллий анъаналар имкониятларидан фойдаланишга; иккинчидан, умуминсоний ва замонавий демократик тамойилларни қўллашга; учинчидан, вужудга келаётган янги давр тенденцияларига мослашиш имкониятларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун демократик тамойиллар асосида ривожланаётган жамиятнинг ахлоқий муносабатларини мустаҳкамлашда «Фуқарога нисбатан юксак ахлоқий нормаларни бажаришни талаб қиладиган эмас, балки оддий инсоний хусусиятларига жавоб берадиган, уни эзгуликка йўналтирадиган, эркинлик, ҳуқуқ ва маънавий салоҳиятларини рағбатлантиришга хизмат қиладиган, ғайриинсоний ҳаракатларни ўз вақтида таъқиқлай оладиган тузум энг яхшидир».¹⁰ Ҳуқуқий нормалар ва ахлоқий талабларнинг функционал уйғунлиги «шахс-давлат-жамият» тизимида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартидир.

